

Фиқҳ дарслари (86-дарс). Убайдуллоҳ ибн Масъуд



13:00 / 21.05.2020 5584

Бу имомнинг тўлиқ исмлари Убайдуллоҳ Содруш-шарийъа ал-Асфар ибн Масъуд ибн Тожуш-шарийъа Маҳмуд ибн Содруш-шарийъа Аҳмад ибн Жамолуддин Убайдуллоҳ ал Маҳбубий ал Бухорийдир.

«Содруш-шарийъа ал Асфар» «Кичик Содруш-шарийъа» деганидир. У кишининг катта боболарининг лақаби ҳам Содруш-шарийъа бўлганлиги насабларидан кўриниб турибди. Шунинг учун катта бобо «Содруш-шарийъа ал Акбар» - «Катта Содруш-шарийъа», набира эса «Содруш-шарийъа ал Асфар» - «Кичик Содруш-шарийъа» деб аталган.

Баъзи манбаларда икковлари «Содруш-шарийъа биринчи» ва «Содруш-шарийъа иккинчи» деб ҳам фарқланган.

Аmmo Содруш-шарийъа лақаби асосан Убайдуллоҳ ибн Масъуд ал Бухорий раҳматуллоҳи алайҳига нисбатан ишлатилган.

Имом Содруш-шарийъа Убайдуллоҳ ибн Масъуд ал Бухорий Бухоро шаҳрида, ота-боболаридан бошлаб барча авлодлари илм ва фикҳ уламолари бўлиб келаётган оилада туғилиб, вояга етдилар.

Боболари имом Тожуш шарийъа Маҳмуд ибн Содруш-шарийъанинг тарбиялари натижасида машҳур аллома бўлиб етишдилар.

Имом Содруш-шарийъа Убайдуллоҳ ибн Масъуд ал Бухорийнинг имом Абу Ҳанифага етиб борадиган санадлари қуйидагича:

1. Боболари Тожуш шарийъа Маҳмуд ибн Содруш-шарийъа.
2. Катта боболари Аҳмад ибн Жамолуддин.
3. Жамолуддин Убайдуллоҳ ал Маҳбубий.
4. Шайх имом Муфтий Имомзода.
5. Шайх Имомуддин.
6. Шамсул Аимма Заранжарий.
7. Имом Сарахсий.
8. Имом Ҳалвоний.
9. Абу Али Насафий.
10. Имом Маҳмуд ибн Фазл.
11. Имом Субазмуний.
12. Абдуллоҳ ибн Абу Ҳафс Кабир.
13. Имом Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний.
14. Имом Абу Ҳанифа.

Имом Содруш-шарийъа Убайдуллоҳ ибн Масъуд ал Бухорий замонасининг кўзга кўринган алломаларидан бўлиб, айниқса усулул фикҳ, фуруъул фикҳ, хилоф, жадал, ҳадис, наҳв, луғат, адабиёт, илми калом, мантиқ каби илмларда пешқадам бўлганлар.

Имом Содруш-шарийъа Убайдуллоҳ ибн Масъуд ал Бухорий бир қанча китоблар таълиф қилганлар. Улар қуйидагилар:

1. «Ал-Вишоҳ».
2. «Таъдилул улум».
3. «Шарҳул Виқоя».
4. «Ал Муқаддимотул Арбаъа».
5. «Аш-Шурут вал Маҳозир».
6. «Ат-Танқийҳ».
7. «Ат-Тавзийҳ».

Имом Убайдуллоҳ ибн Масъуд ханафий мазҳабидаги машҳур усулул фикҳ олимларидан биридирлар. Бу имомнинг «Ат-Танқийҳ» деб аталган китоблари усулул фикҳ соҳасидаги мўътабар китоблардан ҳисобланади.

Имом ибн Масъуд бу китобларини ёзишни бошлашлари билан имомнинг дўст ва биродарлари унинг қўлёмасидан кетма-кет кўчириб бордилар. Натижада асар ёзиб тугалланишидан олдин тарқалди. Кўчиришда баъзи хатоларга йўл қўйилган эди. Имом ибн Масъуд бундан огоҳ бўлгач, «Ат-Танқийҳ»га «Ат-Тавзийҳ фий ҳалли ғавомиз ат-Танқийҳ» номли шарҳ ёздилар.

8. «Ниқоя Мухтасари Виқоя».

Имом Содруш-шарийъа Убайдуллоҳ ибн Масъуд ал Бухорий ҳижрий 747 йили Бухоро шаҳрида вафот этдилар. Имомнинг мақбаралари Бухоро шаҳридадир.

«Кифоя» китобининг 1-жузидан